

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ  
КАМОЛИДДИН БЕҲЗОДНОМИДАГИ МИЛЛИЙ  
РАССОМЛИКВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ  
“ТАСВИРИЙ САНЪАТ” ФАКУЛЬТЕТИ  
“МИНИАТЮРА ВА КИТОБ ГРАФИКАСИ” КАФЕДРАСИ**

“Ҳимояга рухсат этилсин”  
“Миниатюра ва китоб графикаси”  
кафедраси мудир  
\_\_\_\_\_ Ж.Х.Рашидов  
« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 201 \_\_\_\_ йил

5151000 –Графика (Дастгоҳва китоб графикаси)  
бакалавр таълим йўналиши 018-15 гуруҳи

**Ибрагимова Асолатхон ДАВРОН ҚИЗИНИНГ**  
**Уильям Шекспир “Ромео ва Жульетта”асарига китоб безаги**  
**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

Битирув малакавий иши раҳбари:  
“Миниатюра ва китоб графикаси”  
кафедраси катта ўқитувчиси  
\_\_\_\_\_ Х.Д.Зияханов

Бажарди:  
“Дастгоҳ ва китоб графикаси”  
йўналиши талабаси  
А.Д.Ибрагимова \_\_\_\_\_

Мазкур малакавий битирув иши “Миниатюра ва китоб графикаси” кафедрасининг 2019 йил 15-июндаги №9 сонли ва Тасвирий санъат факультет Кенгашининг 20 \_\_\_\_ йил “\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_ сонли мажлисида муҳокама қилинди ва ҳимояга тавсия этилди.

Тақризчи:

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти “Музейшунослик” кафедраси доценти Ч.Х.Ганиева.

Ҳимоя 2019 йил \_\_\_\_ \_\_\_\_\_ соат 9<sup>00</sup> да Ўзбекистон Бадий Академияси Марказий Кўргазмалар залида ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Ш.Рашидов кўчаси, 40-уй.

## **МУНДАРИЖА**

<b>КИРИШ</b> .....	4
<b>АСОСИЙ ҚИСМ</b>	
<b>I БОБ. ГРАФИКА САНЪАТИ ТАРИХИ ВА ГРАФИКА САНЪАТИДА УСТОЗЛАР ИЖОДИ</b>	
1.1. Графика санъати тарихи .....	8
1.2. Ўзбекистон графика санъатида устозлар ижоди.....	14
<b>II БОБ. МАШҲУР ИНГЛИЗ ЁЗУВЧИСИ ВИЛЬЯМ ШЕКСПИРНИНГ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ, “РОМЕО ВА ЖУЛЬЕТТА” АСАРИГА КИТОБ БЕЗАКЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШ БОСҚИЧЛАРИ</b>	
2.1. Mashхур инглиз ёзувчиси Уильям Шекспирнинг ижодий фаолияти.....	18
2.2. “Ромео ва Жульетта” асарига китоб безакларининг яратилиши ....	33
<b>ХУЛОСА</b> .....	40
<b>АТАМАЛАР</b> .....	42
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	47
<b>ИЛОВАЛАР</b> .....	50

## КИРИШ

Инсон яралибдики – санъат билан ҳаёти ҳамоҳанг бўлиб келган. Инсонни бу заминда пайдо бўлиши бу санъат. Шу билан бирга санъатни ҳам инсон яратади. Шундай инсонлар бўладики, улар кўнглидаги ўйлар тасвир бўлиб, ёки куй, ёки кўшиқ, ёки бир соғинч бўлиб оқ қоғозга тушади. Тушганда ҳам шунчаки тасвир бўлиб эмас ҳақиқий санъат асари бўлиб дунёга келади. Мустақиллик мамлакат тарихида янги саҳифа очди. Қисқа тарихий давр ичида мамлакатда давлат ва жамият қурилишининг мутлақо янги сиёсий асослари яратилиши муносабати билан биргаликда ижтимоий иқтисодий ва маънавий соҳалар ривожланишининг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Бугунги кунда ўзбек анъанавий тасвирий санъати ўзининг хилма – хил турлари жанрлари ва маҳаллий хусусиятлари билан ажралиб туради. Мамлакатимизда мустақилликнинг эълон қилиниши ижодкорларга кенг имкониятлар яратиб берди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Призеденти И.Каримов таъкидлаганидек; “Биз ҳамма вақт, кенг халқ қатламларининг ҳам мумтоз, ҳам замонавий миллий маданиятининг энг яхши намуналаридан баҳра олишда имкон бериб келган маданият сарчашмаларини авайлаб муносабатда бўлишини ўрганиб олишимиз лозим”.

Санъат ҳақида мулоҳаза юритадиган бўлсак, табиийки халқимиз маънавияти миллий тафаккуримизнинг маънавиятининг ажралмас қисми бўлган, керак бўлса ўзагини ташкил этадиган миллийлигимизнинг бой тарих ва анъаналарга эга санъатимизни асраб авайлаб ривожлантириб келаётган захматкаш мўйқалам соҳиблари, уларнинг оғир ва масъулиятли меҳнати барчамизнинг кўз олдимиздан ўтади. Санъат ижтимоий ҳодиса сифатида инсоннинг олий эҳтиёжини қондиришга қаратилган. Инсон фаолияти қанчалик даражада хилма-хил турларга бўлинганига қараб санъат тушунчаси ҳам шунчалик ўзгариб боради. Бу борада эса санъат аҳлини қалам тебратишга ундайди. Ёш мутахассислар реал қаламтасвир ва рангтасвир

бўйича маҳорат билан бирга ихтисосликнинг турли масалаларини ҳал этишимиз, бадиий образли тафаккур услубини эгаллаш учун керак бўладиган билим ва малакаларни ўзимизда шакллантиришимиз керак. Барча графикачи рассомлар кенг маънодаги назарий ва амалий тайёргарликдан ўтишлари лозим. Чунки биз зукко, нозик таъб, эстетик маданият эгаси бўлиб шаклланишимиз учун эгаллаган билим ва кўникмаларимиздан унумли фойдаланишимиз, мустақил Ўзбекистон давлати тараққиётига астойдил хизмат қилишимиз зарур. Келажакда бу мақсадларни амалга ошириш учун биз ижодкорлар ўз билим доираларимизни кенгайтириб, ҳаётдаги воқеаларни кузатиб боришимиз, тараққиётнинг янги ютуқлари билан танишишимиз, ўз билимларимизни кенгайтиришимиз зарур бўлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида барча соҳа ва тармоқларда улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу борада жамият ҳаётида эзгу қадрият ва анъаналарни чуқур қарор топтиришга, хусусан, халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришда, она Ватани ва халқига муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол шахсни тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эга бўлган китобхонлик маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш тўғрисида”ги 4789-сонли фармойишининг бажарилиши бўйича, қилинган ишларнинг кўлами катта, амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар кенг ва салмоқлидир. Мамлакатимизда хорижий тилларни чуқурроқ ўрганишга ва хориж билан адабий алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу ўринда чет эл адабиёти дурдоналарини ўзбек тилига таржима қилиш муҳим аҳамият касб этади. Эндиликда чет эл адибларининг асарлари ўзбек тилига, ўзбек адибларининг асарлари хорижий тилларга бевосита таржима қилинмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ўндан ортиқ нашриётлар фаолият кўрсатмоқда. Ушбу нашриётларда, бугунги кунда юртимизнинг қадимий тарихини ёритувчи китоб ва рисоалар кўплаб нашр этила бошланди. Замонавий ўзбекистонлик муаллифлар билан бир қаторда аجدодларимиз қаламига мансуб, шунингдек, хорижий муаллифларнинг асарлари ҳам чоп этилмоқда.

**Мавзунинг долзарблиги.** Битирув малакавий ишимнинг мавзуси жаҳон адабиётининг буюк намоёндаларидан бири Уильям Шекспирнинг шоҳ асари “Ромео ва Жульетта” асарига ишланган туркум дастгоҳли композициялар. Мавзуда бадиий образлар, уйғониш даври адабиёти, Англия маданияти тарғиб қилинади. Кўп асрлар давомида юзлаб график рассомлар томонидан тасвирланиб келинаётган, моҳиятан теран, фикран бой ва серкирра асарни ёритиш кучли меҳнат ва эътиборни тақозо этади. Асар ўзида Италия, хусусан Флоренциянинг тарихи, маданияти ва диний тасаввурларини ўзида жамлаб, Дантенинг ўзгача ранг баранг, образларга бой таърифлаш услубини акс эттиради.

**Битирув малакавий ишнинг мақсад ва вазифалари:** Уильям Шекспирнинг шоҳ асари “Ромео ва Жульетта” асарини ўрганиб чиқиб, унга иллюстрациялар ишлашдан асосий мақсад ўқувчида В.Шекспирнинг ижоди ҳақида бой ва ранг-баранг тасаввурни ҳосил қилиш, китоб иллюстрацияси йўналишини янги ривожланиш поғонасига кўтариш ва ёшлар орасида жаҳон адабиётига бўлган эътиборни ривожлантиришдир. Ҳозирда деярли йўқ бўлиб кетаётган анъанавий китоб иллюстрациялаш санъатини ривожлантириш ва уни жамиятдаги аввалги ўрнига қайтаришни ўзимни олий мақсадим деб ҳисобламан.

**Битирув малакавий ишининг қиёсий тахлили.** Мазкур малакавий ишини ёзиш жараёнида қатор манба адабиётлардан фойдаланилди. Шунингдек машҳур график рассомлар ижодига ҳам мурожаат этилди. Графика технологиясига оид манбаалар илмий, ўқув-услубий адабиётлардан

олинди. Айнан мавзуга доир манбалар эса: Графика санъати билан ижод қилган рассомлар ва шу соҳа олимларнинг ишларидан ўрганилди.

**Битирув малакавий ишинингилмий-амалий янгилиги.** Бу мавзу бўйича кўплаб илмий ишлар амалга оширилганлиги бизга маълум. Бироқ, шу ўринда мавзу бўйича белгиланган вазифалар комплекс ҳолда назарий-амалий равишда ўрганилди. График рассомлар томонидан хорижий адабиёт намояндларининг буюк асарларига композициялар яратишдаги ўрни ва асарларнинг мазмун-моҳияти ҳам чуқур таҳлил этилади. Шу билан бирга амалий равишда асар қахрамонлари фаолиятининг мазмун-моҳияти график рассом нигоҳида ўз аксини топади. Бу эса малакавий ишнинг ҳам илмий, ҳам амалий янгилигини тасдиқлайди.

**Битирув малакавий ишнинг предмети ва объекти:** Тасвирий санъат асарлари ҳамда композиция сюжетига асос бўлган иллюстрациялар, китоб манбалари асосида мавзуга оид композиция яратиш жараёни, жаҳон адабиёти дурдоналаридан “Ромео ва Жульетта” асари орқали китоб безаклари яратиш ва асар мазмуни талқинини тўлиқлигича ёритиб бериш ҳисобланади.

**Битирув малакавий ишининг тузилиши:** Ушбу битирув малакавий иш назарий ва амалий равишда бажарилди. Назарий қисми, кириш, асосий қисм, икки боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ҳамда мавзу бўйича иллюстрациялардан таркиб топган. Амалий қисмида “Ромео ва Жульетта” асарига 5та туркум дасгоҳли графика композициялар бажарилган.

# АСОСИЙ ҚИСМ

## I БОБ.ГРАФИКА САНЪАТИ ТАРИХИ ВА ГРАФИКА САНЪАТИДА УСТОЗЛАР ИЖОДИ

### 1.1.Графика санъати тарихи

“Графика” санъатитасвирий санъат турларидан бири. “Графика” сўзи лотинча сўз бўлиб, “эзаман, чизаман” деган маънони билдиради.Графика турларидан бири бу – гравюрадир. “Гравюра” французча сўз бўлиб, “кесиш” маъносини билдиради. Бунда расмлар қаттиқ материалларга чизиш ва кесиш орқали бажарилади. Бу расмлар аввало металл, ёғоч, линолеум, тош каби материалларда ишланиб, кейин ундан қоғозга кўп тиражда кўчирилади. Металлда тайёрланадиган гравюрани офорт, ёғочдагисини ксилография, ленолиумдагисини линогравюра, тош орқали тайёрланадиганини эса литография деб юритилади.

Графиканинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири бу - унинг катта ўлчамда бўлмаслиги ва бўёқлар сонининг чегараланганлиги ҳисобланади. Шунинг учун ҳам графика асарларида фақат чизик, ёки тўқ рангли тасвир иштирок этади. Баъзан график тасвирлар ҳам рангли бўлади.Айрим графика асарлари катта ўлчамда ва кўп нусхада тайёрланади ҳамда катта тарбиявий вазифаларни бажарувчи – бу плакатлардир.

Графика санъатида эстамп ҳамкатта ўринни эгаллайди. “Эстамп”французча сўз бўлиб, “штамплар” маъносини билдиради. Эстамп яратиш учун аввало тасвир махсус асбоблар билан қаттиқ, материалга (тош, ёғоч, линолеум) ўйиш орқали туширилади. Сўнгра ёйилган материал устига бўёқ, берилади ва ундан қоғозга тасвир олинади.Эстамп учун шу нарса характерлики, унда гравюра босмадан чиққанидан сўнг рассом унга баъзи бир тузатишлар киритади ва асар тагига ўз имзосини қўяди.

Графика техникасининг кенг тарқалган турларидан яна бири бу иллюстрациялардир. Қадим-қадимдан тасвирий санъат китоб беаги билан чамбарчас боғланган ҳолда ривож топган. Ўрта асрларда Шарқ ва Ғарб



мамлакатларида яратилган китобларнинг деярли кўпчилиги нақшлар ва рангли расмлар билан безатилган. Бу расмларда китоб мазмуни ўз аксини топар эди. Кейинчалик, китоб босиш дастгоҳлари ихтиро қилинганидан сўнг, иллюстрациялар китобларда янада катта ўрин эгаллай бошлади. Иллюстрациянинг аҳамияти шундаки, биринчидан у китобни безакли, чиройли ва ёқимли бўлишига ёрдам беради, иккинчидан адабий образлар-тимсолларни аниқ ва жонли бўлишига, ўқувчининг ёдида яхши сақланиб қолишига хизмат қилади. Рассом бирор бир адабий асарга иллюстрация ишлашга киришишдан аввал, мазкур асарни яхшилаб ўрганиб чиқиши билан бир қаторда, асардаги воқеа содир бўлаётган даврга доир материалларни ҳам тўплаши, ўша давр одамларининг маданияти ва турмушини, мамлакат табиатини билиб олиши керак бўлади.

Албатта, ҳар бир инсон китобни биринчи навбатда адабиёт воситаси сифатида қабул қилади. Лекин китобнинг тасвирий томони ҳам у ифодалаётган мазмунни етказиб беришда муҳим ўрин тутди.

Китобни рангдор иллюстрациялар, чиройли хуснихат ва эсда қоладиган муқовасиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Китоб санъати доимий ривожланиб келиб, ҳар доим жамиятнинг эътибор марказида бўлган. Иллюстрациянинг вазифаси асардаги ҳодисаларни ўқувчига ранг-баранг образлар, шакллар ва бадиий ечимлар орқали етказиб беришдир. Шу томондан китоб графикаси китоб нашриётнинг ажралмас қисми деб айтиш мумкин.

Китоб ўзида адабиёт, графика, хуснихат санъати ва полиграфик меҳнатни мужассам этади. График рассомлар китобнинг таркибий тузилмаси, декоратив беағи ва иллюстрациялар давомийлиги каби элементлари устида ишлайдилар. Китобнинг одатий тузилмаси: китоб блоги, муқова, йиғма жилд, форзац, титул вароғи, шмуцтитуллар, шрифтва иллюстрациялардан иборат. Бу элементлар умумий композиция асосида ягона тизимга бирлашадилар.

Китоб графикасининг мустақил санъат тури сифатида ривожлани тарихи бир ҳилда кечмаган, чунки иллюстрациялар кўп йиллар мобайнида китоб матнининг тўлдирувчи қисми бўлиб келган. Биринчи иллюстрациялар

қадимги Мисрда ҳар хил диний матнларга ишланган. Улар папирусларга чизилган бўлиб, афсуски ҳозрги кунгача тўлиқ сақланиб қолмаган. Қадимги даврдан сақланиб қолган иллюстрацияларнинг ёрқин ифодаси сифатида “Илиада” ва “Энеида” га, Византия ва ўрта асрлар қўлёзмаларига ишланган тасвирларни келтириш мумкин. XI аср қадимги Рус давлатида “Донишманд Эвангелия” ва “Святослав тўплами” қўлёзма китобларига иллюстрациялар ва нақш безаклар ишланган. Бу суратлар рангли бўлиб, тилла билан безатилган ва моҳирона нозиклик билан чизилган.

Бундай китоблар ягона нусхада яратилган, юқори баҳоланган ва баланд нархга эга бўлган. Имконияти чекланган оддий одамлар бундай китобларни сотиб олишга қурби етмаган, китобга бўлган талаб эса кундан кунга ошиб борган. Китоб иллюстрациялашнинг ривожиди XIV–XV асрларда Европада китоб босмасининг ихтиро қилиниши муҳим рол ўйнайди. XV асрнинг ўрталарида Германияда И.Гутенберг босманинг янги усулини ишлаб чиқади. Бунда сўзлар ва матнлар металл ҳарфлар қатори ёрдамида қоғозга тушириларди. XVIII аср охиригача китоб босмаси ҳеч қандай ўзгаришларга учрамади, лекин иллюстрациялаш техникалари тобора мукамаллашиб борди. Иллюстрациялар маҳсус гравюраланган доска ёрдамида босмадан ўтказиларди. Босма жараёни доскага чизилган иллюстрацияга қоғозни босиш йўли билан амалга оширилган.

Графикада болалар учун мўлжалланган китоблар алоҳида ўрин тутди. Болалар учун биринчи китоб 1658 йилда саёҳатчи Ян Каменский томонидан яратилган “Суратлардаги дунё” номли китоб ҳисобланади. Китобда матн ёрқин ифодалаган бўлиб, кейинчалик кўплаб нусхалари яратилган.

XVIII асрда иллюстрациялар бошқача тус олиб, асосан винетлардан фойдаланила бошланди. Винет (французча: Vignette) бу безак бериш ёки сюжетни ёритишга қаратилган ўртача ҳажмдаги тугалланган график композициядир. Асосан винетлар рамзий маъноларни ифодалаб, титулларда, китобнинг биринчи ва охириги вароғларида қўлланилган. Бу даврга келиб қўл ёрдамида бўяладиган рангли гравюралар ҳам кенг тарқала бошлади.

1837 йилда фотографияга асос солиниши иллюстрациялар ривожини тубдан ўзгартириб юборди: энди иллюстрация фотомеханик жараёнлар билан узвий боғланди. Бу жараёнлар асосида китоб учун янги иллюстрациялар яратиш усуллари пайдо бўлди, масалан: цинкография(штрихлар билан металл доскага ишланган чизма), автотипия(яримсоялар ёрдамида чизмалар яратиш) ва уч рангли босма(рангли иллюстрациялар чиқариш).

XIX асрга келиб “иллюстрацияланган китоб даври” бошланди, чунки бу даврда адабий асарларни безатишга бўлган талаб ошди. XX аср китоб иллюстрацияси ривожига “Санъат дунёси”га бирлашган рассомлар А.Н.Бенуа, Л.С.Бакст, Е.Е.Лансере, И.Я.Билибин, М.В.Добужинский ва бошқалар сезиларли ҳисса қўшдилар. Бу рассомлар шарафи билан китоб иллюстрацияси бадиий асардан ажралиб чиқиб, тасвирий санъатинг мустақил йўналишига айланди. XX аср бошларида китоб графикаси дастгоҳли ёки маҳобатли рангтасвир билан бир қаторда кенг қамровли, образ жиҳатдан бой санъат тури сифатида тез ва шиддатли тарзда ривожланган. График рассомлар эса шунчаки бир йўналишдаги декораторлар эмас, балки ўз ижодий услубига эга бўлган ҳақиқий усталар бўлганлар.

Китоб графикасининг тан олинган классик намоёниси сифатида рус рассоми Владимир Андреевич Фаворскийни (1886-1964) келтириш мумкин.

В.А.Фаворский маҳобатли ва дастгоҳли рангтасвир, театр беағи йўналишлари устаси бўлиб, кўпроқ китоб графикаси йўналишида шуҳрат қозонган. Рассом шунчаки адабий асарларга иллюстрациялар ишлаб қолмасдан, ўз олдида жиддий вазифа қўйиб, бутун китобни тўлиқ ягона композиция сифатида шакллантирган ва графика санъатини ривожини янги босқичга кўтарган. Фаворскийнинг маҳоратини “Руф китоби”(1921) асарига ишланган иллюстрацияларида кўриш мумкин. Китобда муқова, титул вароғи, шрифт, тугалланма ва китобнинг умумий дизайни ягона бадиий муҳитга бирлаштирилган. Фаворскийни рус ксилографиясининг асосчиси деб ҳисоблаш мумкин.

Рассомнинг энг таниқли асарлари “Игорев ҳақида сўз” ва А.С.Пушкиннинг “Борис Годунов” (1954-55) асарларига ишланган иллюстрацияларидир. Бу асарлар ўзида рассомнинг чуқур дунёқараши, бой тасавури ва ўзгача ижодий услубини акс эттиради. “Борис Годунов” асарига ишланган гравюралар ўзига хос темперамент ва кучли экспрессия билан бажарилган. Улар китоб қаҳрамонларининг тўлиқ психологик ҳолатини акс эттиради ва ҳодиса содир бўлаётган макон ва замон ҳақида аниқ тасаввур хосил қилади.

Шунингдек, Фаворский Мериме (1927-1934), Данте (1933), “Гамлет” (1940) новеллаларига ва Шекспирнинг (1947) сонетларига ҳам иллюстрациялар ишлаган. Фаворский томонидан Толстойнинг “Ҳайвонлар ҳақида ҳикояларига”(1929-1931), М.Пришвиннинг “Жен–Шен” асарига(1933), Н.Гоголнинг “Иван Федорович Шпонка ва унинг ҳоласи”(1930-1931) шеърий ҳикоясига ва бошқа кўплаб асарларга ишланган иллюстрациялари ўзида катта маҳоратни акс эттиради, асар таркибини бузмасдан, унинг мазмуни ҳақида тўлиқ ҳаётий тасаввурни шакллантиради. Унинг бир қанча иллюстрациялари юқори даражадаги графика намуналари сафига кириб, адабий асарларни мазмунан тўлдиради ва томошабинни ўйлашга мажбур қилади.

1920 йилларда китоб иллюстрациясига санъатнинг янги оқимлари(кубизм, футуризи, декоратив-амалий санъат, плакат) таъсир кўрсата бошлади. Тасвирлаш йўллари осонлашди ва коллаж, фотомонтаж каби техник ва пластик усуллардан самарали фойдаланилди. Китобнинг саҳифаси худди тасвир ўйинлари содир бўладиган майдонга айланди.

Болалар учун ўйинлар, бўёк ва қирқиб ёпиштиришга мўлжалланган кичик ҳажмдаги китобчалар яратила бошланди. Графиканинг ривожига тезкор, арзон лекин сифатсиз китобларнинг кўп миқдорда ишлаб чиқарилиши салбий таъсир кўрсатади. Бу ҳолат китоб саноати ва графика ривожининг муқаррар инқирозига олиб келди. Шунда бадиий китоб ишлаб чиқаришни ривожлантириш рассомларнинг зиммасига юклатилди.

Графиканинг тасвирларни компьютерда яратиш ва қайта ишлаш билан шуғулланадиган қисми компьютер графикаси деб номланади. 1978 йилда компьютер графикасини “ҳамма ноъмалум муаммоларнинг ечими” деб номлашган ва ҳозирга келиб бу йўналиш “ҳамма муаммоларнинг ечими” номини олган. Компьютер графикаси кўплаб соҳаларда, жумладан китоб графикасида ҳам муҳим вазифаларни бажарувчи асосий унсурлардан бирига айланди.

## **2.2.Ўзбекистон графика санъатида устозлар ижоди**

Ўзбекистон санъатида китоб графикаси тарихи узоқ тарихга эга бўлиб, унинг замонавий кўринишлари XIX аср охирларидан кенг кўламда кириб келган ва ўзбек замонавий санъатининг илк намуналари айнан шу санъатда яратилган. XX аср 20 – 30 йиллардан эса бу санъатнинг ўзига хос миллий шакллари ривожланиб унинг етуқ вакиллари етишиб чиққан.

Ўзбекистонимизда линогравюра (қора ва рангли) 60-йилларда кенг ёйилди, офорт, монотипия, автолитография техникасида асарлар яратилди. 60-йилларнинг ўрталарида эса декоратив эстампга қизиқиш пайдо бўлди, фактурага эътибор ортди. Қаламтасвир ва рангтасвир расмларга эътиборнинг ортиши ҳам дастгоҳ графика санъати ранг-баранглигини оширди.Шудаврдан бошлаб анъанавий графика услублари – тонал қора акварелда расм ишлашга қизиқиш сусайиб борди. Унинг ўрнига катта форматли, туркумли асарлар яратиш ҳаракати чиқди. Дастгоҳ графикадаги бу изланишлар линогравюранинг бадий имкониятларини ўрганиш асосида алоҳида график композициялар яратишдан туркум график асарлар яратишга ўтишдан бошланди. Бу изланишлар график рассомлар Чиганов, Стрелников, Башаров ижодида шаклланиб борди. У шу техникада Қ.Башаров муваффақиятларга эришди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев адабиёт, санъат ва маданият вакиллари билан бўлган ижодий учрашувда “Мамлакатимизда олиб борилаётган бугунги кенг кўламли ислоҳотлар, янгиланиш ва ўзгаришлар

жараёнида ижодкор зиёлиларимизнинг ўрни ва ҳиссаси жуда катта бўлмоқда. Биз халқимизнинг маънавий камол топишида маданият намояндаларининг улкан хизматлари борлигини доимо миннатдорлик билан эътироф этамиз. Юксак идеаллар йўлида фидоийлик кўрсатиб яшаш, ўзлигини англаш, ғурур ва ифтихор, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш учун бел боғлаб майдонга чиқиш – сиз ижод аҳлига хос эзгу фазилатлар эканини ҳаммамиз яхши биламиз ва буни юксак кадрлаймиз”, – дея ижод аҳлининг фаолиятларини қўллаб қувватладилар.<sup>1</sup> Буюк ифтихор эгаси, Ўзбекистон халқ рассоми Қутлуғ Башаров (1925-2000) Олма-ота вилоятидаги Мала-Аксу кишлоғида дунёга келган. Мактаб давридаёқ тасвирий санъатга қизиқиши уни П.П.Беньков номидаги Республика рассомлик билим юртининг рангтасвир бўлимида ўқишига сабаб бўлди.

Қутлуғ Башаров ижодга жуда эрта кириб келди. Унинг серқирра ижодий фаолияти Республика рассомлик билим юртида ўқиб юрган кезларидан бошланган эди. У Тошкент Давлат театр ва рассомлик институтига ўқишга кирганда машҳур рассом эканлиги маълум бўлган эди. Шу институтда кўп йиллар “Графика” кафедраси мудирининг лавозимида ишлади ва 1985 йил профессор унвонига тасдиқланди. Серунум иш фаолияти давомида Қутлуғ Башаров ўзига хос графика мактабини яратди. Унинг раҳбарлигида графика ихтисослигини тугатган 200 дан ортиқ талаба графика санъати маҳоратини эгаллаб, ижод билан изчил шуғулланиб келмоқда. Қутлуғ Башаров маҳорати баланд, сермахсул ижодкор нафақат дастгоҳли графика санъати балки рангтасвир асарлари билан ҳам катта муваффақият қозонди. У ижодий изланишлари давомида 2000 дан ортиқ бадиий асарлар яратган. Қ.Башаровнинг ижоди камол топган йиллардаги асарлари билан танишар эканмиз, уларда образликнинг кучли ва таъсирчан бадиий сайқал топганлиги, новаторликка интилиш ҳамда атоқли графика усталари кашфиётидан ижодий фойдаланишга мойиллик мавжудлигини сезамиз. Қ.Башаровнинг турли мавзуларга бағишланган дастгоҳли ҳамда китоб графикасига оид асарлари

---

<sup>1</sup>Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси. 03.08.2017 й

аҳамиятли, расмиятга кириб қолган ёки конъюктур асарлар эмас, ҳақиқатан воқелигимизга ҳамоҳанг, юксак профессионал маҳорат билан яратилган асарлардир. У ижодида бадиий ҳақиқатни ишонарли, жонли талқин этган. Бу эса ижодкор асарлари қимматини янада оширган. Қ.Башаров меҳр қўрини берган дастгоҳли расмларининг яна бир ажойиб фазилати шундаки, уларда инсон, унинг меҳнати ва кураши, орзу-умидлари, эзгу ниятлари нафис ҳамда эҳтирос билан тасвирланган. Рассом биринчи навбатда китоб мазмунини образли очиб беришга ҳаракат қилиш билан бирга, унинг ташқи ва ички безагининг чиройли, бежирим китобхон диққатини тортадиган бўлишига ҳаракат қилади. Китобнинг ички безакларига: титул, контртитул, шмуцтитул, заставка, якун ва ҳарфларга келганда Қ.Башаров бу соҳада ҳам ўз қобилиятини синаб кўрди ва кутилган натижага эришди. У график безакларлари билан китоб саҳифаларини жонлантирувчи ва унга маъно бахш этувчи, ажойиб яхлит ҳамда қўшсаҳифалар туза олувчи рассом сифатидаи маҳорат кўрсатди. Умуман, Қутлуғ Башаровнинг китоб безаклари бутун бир кутубхонага етай деб қолди, шулардан ажойиб бир гулдаста тузиш мумкин. Бу гулдаста китобхонларни билим даргоҳида, гўзаллик оламига олиб киришда ажойиб восита бўлиб хизмат қилмоқда. Санъаткор китоб безакчилигида фақат ўзига хос услуб яратибгина қолмай, балки китобларни содда ва нафис макетлаш, ўзига хос ҳарфлар танлаш, расмларни ўрни- ўрнига жойлаш, архетиктоникаси соҳасида ҳам қилқаламлигини намойиш этди, кўплаб шогирдларга устозлик қилди.

Қ.Башаров 1963 йилдан 200 дан ортиқ Республика ва Халқаро кўргазмалар ва танловларда қатнашиб олтин медаль ва биринчи даражали дипломларга сазовор бўлган. Унинг ижодий асарлари кўплаб музей ва галереяларда, машҳур Третьяков галереяси, Россия маданияти вазирлиги коллекциялари, Кўргазмалар дирекцияси, Ўзбекистон давлат санъат музейи ва бошқа турли давлатлар Австрия, Венгрия, Миср, Канада, Манголия,

Италия, Чехия, Хиндистон, Польша, Франция, Югославия, АҚШ, Англия, Корея галереялари ва шахсий коллекцияларидан ўрин олган.<sup>2</sup>

Қутлуғ Башаров самарали ижодий ютуқлари эътирофи сифатида: 1975 йил “Ўзбекистон халқ рассоми“ унвони, 1988 йил “Халқлар дўстлиги ордени”, 1994 йил “Шухрат” медали, 1999 йил “Эл-юрт хурмати” ордени билан тақдирланган. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, Қутлуғ Башаров 1997 йил Биринчи Президентимиз томонидан Ўзбекистон Бадий Академияси Академиги этиб тайинланган.

Қ.Башаров 1963 йилдан Республика миқёсидаги барча кўرғазмаларда иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаган. Рассомлик санъатининг барча соҳаларида ўз маҳоратини намойён қилган санъаткордир. У яратган манзара ва портретлар, натюрморт ва миниатюралар, тарихий воқеалар тасвирларининг барча-барчасида миллий рух шундай уфуриб туради.

Қутлуғ Башаров Ўзбекистон графика санъати асосчиси жонкуярларидан эди-деб, сўз бошлади; шогирдларидан бири график рассом, Носир Хусанов, устозини ёд этаркан. “У графиканинг барча турлари бўйича эркин ижод қилган ижодкор. Унинг асарларини дунёнинг ўта нуфузли музейларида учратишимиз мумкин. Қ.Башаров асосан графиканинг эстамп, линогравюра ва литография турларида жуда катта ўлмас мерос қолдирган. Унинг асарларида ҳақчиллик, гўзал Ўзбекистон табиати, урф-одатлари, анъаналари, буюк алломалар портретлари жуда юқори даражада яратилган.”

Қ.Башаров кўп йиллар давомида “Медицина” нашриётида бош муҳаррир рассом бўлиб ишлаб, китобот санъатига катта хисса қўшган. У Ўзбекистон Бадий Академияси графика секциясида узоқ йиллар фаолият юргизиш билан бир қаторда, графика бўйича собиқ иттифоқда ўтказилган кўрғазма ва танловларда улкан марраларга эришган. Ундаги ташкилотчилик фаолияти боис кўплаб кўрғазмаларда ўз асарлари билан иштирок этиб, бошқаларга ўрнак бўлган.

---

<sup>2</sup> www.ziyouz.com кутубхонаси. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” “Б” харфи. Давлат илмий нашриёти Тошкент.



Қ.Башаров кўп йиллар Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг “Миниатюра ва китоб графикаси” кафедраси профессори сифатида фаолият юритган. Шу йиллар давомида 100 дан ортиқ шогирдлар тарбиялаб, вояга етказди. Улар ҳозирда дунёнинг барча бурчакларида устозларидан олган билимлари асосида ижод қилмоқдалар.

## **II БОБ. МАШҲУР ИНГЛИЗ ЁЗУВЧИСИ ВИЛЬЯМ ШЕКСПИРНИНГ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ ВА “РОМЕО ЖУЛЬЕТТА” АСАРИГА КИТОБ БЕЗАКЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШ БОСҚИЧЛАРИ**

### **2.1. Машҳур инглиз ёзувчиси Уильям Шекспирнинг ижодий фаолияти**

*Муваффақиятга эришининг уч шарти бор:  
Бунинг учун, энг аввало, бошқалардан кўра кўпроқ билишинг керак;  
иккинчидан, бошқалардан кўра кўпроқ меҳнат қилиш лозим;  
учинчидан бошқаларга ўхшаб муваффақият келишини  
кутиб ўтирмаслик керак.<sup>3</sup>*  
*Уильям Шекспир*

Буюк немис шоири Иоханн Вольфганг Гёте таърифлагандек, “Шекспир бепоён” – унинг мероси, мана, тўрт асрдирки дунё халқларини ўзига ром қилиб келмоқда.

Жаҳонда қанча халқ ва элат яшаса, Шекспир айтарли ҳаммасининг меҳр-муҳаббатини қозонган. Ўзининг батакрор гўзаллик оламида дунёсанъати, маданияти вамаънавиятини бирлаштириб–марказлаштиришга эришганлардан бири буюк Шекспир эди. Бу йил апрель ойида буюк инглиз шоири ва драматурги Уильям Шекспир таваллудига 455 йил тўлди.

Уильям Шекспир (*William Shakespeare*) 1564 йил 23 апрелда Стратфордда майда савдогар-хунарманд оиласида дунёга келган. У 1585

---

<sup>3</sup> www ” Kh-davron.uz” кутубхонаси.

йилдан бошлаб Лондонда яшай бошлаган. 1590 йилдан бошлаб Лондон театри “Глобус”да актёрлик қилади ва шу даврдан пьесалар ёза бошлайди. Шекспир ижоди асосан учта катта даврга бўлинади.

Шекспир ижодининг биринчи даврида (1591-1601) ёзган “Адашишлар комедияси” (1592), “Вероналик икки йигит” (1594), “Ёз кечасидаги туш” (1595), “Йўқ нарсдан чиққан ғавғо” (1598), “Ўн иккинчи кеча” (1600) ва бошқа пьесаларида Уйғониш даври кишисининг ўзига хос сийнати яратди. Тарихий хроникалар деб аталган (“Генрих VI”, (1590-92й), “Ричард III” (1592), “Ричард II” (1595й), “Генрих IV”, 2 қисмдан иборат, (1597-98), “Генрих V” (1599) ва бошқалар. Номлари келтирилган асарларда В.Шекспир феодал анархиясига қарши марказлашган ҳокимият учун кураш, давлат ва халқ тақдири билан боғлиқ масалаларни тарғиб этган эди. Ҳаётнинг фожиали томонлари, айниқса, “Ромео ва Жульетта” трагедиясида чуқур акс эттирилган. Унда бир-бирига душман бўлган икки феодал оилада туғилиб вояга етган ва бир-бирларини севиб қолган икки ёшнинг фожиали тақдири, уларнинг эркин севгисига тўғаноқ бўлган феодал тузум иллоти акс этган. “Юлий Цезарь” (1599) трагедиясида Шекспир қадимги Римдаги муҳим сиёсий воқеалар, республикачилар (Брут, Кассий) билан монархия (якка ҳукмронлик) тарафдорлари-цезарчилар (Антоний, Октавий) ўртасидаги курашни ва бу курашда республикачиларнинг фожиали мағлубиятини кўрсатган.

Шекспир ижодининг иккинчи даври (1601-1608) драммухит фаолиятининг яна ҳам ривожланиши билан характерланади. У туғилиб келаётган капиталистик тартиблар ҳам инсон орзу-истакларига зид эканлигини илғаб, буржуа муносабатларини қаттиқ қоралайдиган, чуқур гуммунистик (инсонпарварлик) ғоялари билан суғорилган трагедиялар яратди. “Ҳамлет, Дания шаҳзодаси” (1601) да қаҳрамоннинг қирол Клавдийдан ўлдирилган отаси учун қасос олиши унинг бузилган феодал саройидан, зулм ва истибдоддан интиқом олиши даражасига ўсиб чиққан ижтимоий зиддиятга айланган эди. Ҳамлет чириган феодал олами кирдикорларини фож этибгина

колмай, балки издан чиқиб кетган ва бузилган асрни “изга тушириш”ни ўз зиммасидаги бурч деб билади. Ҳамлет уйғониш руҳи билан суғорилган янги типдаги киши-адолат учун курашувчи инсонпарвар киши тимсолидир, чунки унинг кўзига “Дания-зиндон” бўлиб кўринган эди. “Отелло” (1604) трагедиясида Шекспир икки тарихий давр-ўсиб бораётган абсолютизм (якка хокимиятчилик, мутлақ хокимият) ва туғилиб келаётган буржуа (хукмронлик қилаётган бой-бадавлат синф) тузуми шароитида вужудга келаётган янги ахлоқ ва тушунчаларнинг мураккаб жараёни (оқими) ва ўша муҳит ўртасидаги зиддиятларни акс эттирган. Қаҳрамоннинг шахсий фожиаси замоннинг ижтимоий-ахлоқий конфликти даражасига кўтариб ифодалаган. Асарда рашк фожиаси алданган ишонч ғояси билан бирикиб кетади. “Қирол Лир” (1605) трагедиясида Шекспир зеб-зийнат ва айш-ишрат ичида дабдабали ҳаёт кечириётган бир тўда хукмдорлар билан сон-саноксиз халқ оммасининг азоб-уқубатларини кўрсатади. Лир мураккаб шахс. Унинг кучли ва ожиз томонлари бор. Хукмронлиги даврида у заиф эди, ҳақни ноҳақдан ажрата олмасди. Гадей холига тушиб қолган Лир турмушнинг аччиқ-чучугини ўз бошидан кечириб, ҳақ ва ноҳақликни фарқлайдиган маънавий куч касб этади, эзилган халқ аҳволига ачинади. Асарда феодал жамияти одамлар орасидаги табиий, яқин алоқаларнинг бузилиши жараёни катта истеъдод билан кўрсатилган. “Макбет” (1606) трагедиясида Шекспир сиёсий деспотизм (истибдод)нинг тўла инъикоси бўлган золимлар (Макбет ва Леди Макбет) ер юзида яшамаслиги керак деган теран гуманистик (инсонпарварликка хос) фикрни олға суради ва уларга омма манфаатларини ҳимоя қилувчи қаҳрамонлар (Малькольм ва Макдуф)ни қарши қўяди. “Антоний ва Клеопатра” (1607), “Кориолан” (1607), “Афиналик Тимон” (1608), “Рим трагедиялари” туркумига оид асарларида ҳам Шекспир чуқур гуманистик ғояларни илгари сурди, феодализм (деҳқонларни эксплуатация қилишга асосланган ижтимоий тузум) ўрнига келаётган капитал (сармоя, бойлик) хукмронлигининг кирдикорларини фош этди.

Шекспир реалистик методининг ўзига хос хусусияти муаллифнинг воқеликни чуқур ўрганиб, мураккаб “воқеалар оқими”нинг асосий маъносини англаб, инсон кучи ва унинг чексиз имкониятларига тўла ишонч билан караганлигидадир. Бу ҳол Шекспир гуманизмининг ҳаётбахш руҳини белгилайди. Шекспир реализмининг кучи феодал тузуми ҳалокатини, шунингдек, пайдо бўлаётган буржуа жамиятининг одамлар учун фожиавийлигини сезиш, бу жамиятнинг разолат ва қабоҳатларини ҳаётий тимсоллар билан ҳаққоний гавдалантиришидадир. Даҳо олимлар, шоирлар, ёзувчилар Шекспирнинг реализм ва характер яратишдаги санъаткорлигини алоҳида таъкидлаганлар. Шекспирнинг реалистик санъат ҳақидаги ўз карашлари Ҳамлетнинг актёрлар билан бўлган суҳбатида аниқ-равшан ифодаланган. Бунда у ортиқча шовқин-сурон кўтармаслик, сунъийликка берилмаслик, “сўзга яраша ҳаракат” қилиш, “ҳаракатга яраша” гапириш ва булар “табiiйлик чегарасидан чиқмаслиги шарт” эканлиги тўғрисида фикр юритган.

Шекспир трагедияларини юқори босқичга кўтарган олимлар асарлар мавзусининг бойлиги, ғоявий йўналишининг аниқлиги, ҳаётнинг реалистик тасвирланишидир. Шу боисдан унинг драмматик ижоди дунё театрлари репертуарларидан мустаҳкам ўрин эгаллаб, ҳозиргача кишиларни ҳаяжонлантириб келмоқда. Ғарбий Европада Шекспир ижодини ўрганиш XVIII асрнинг ўрталарига тўғри келади. Германияда Гёте ва Лессинг, Францияда Вельтер ва бошқалар Шекспир ҳаёти, фаолияти ҳақида турли хил фикрлар айтган. Россияда ҳам Шекспир асарларига қизиқиш XVIII асрнинг охирларида бошланган. Н.М.Карамзин унинг “Юлий Цезарь” трагедиясини таржима қилган. А.С.Пушкин Шекспирнинг драмматик ижодига юқори баҳо берган. В.Г.Белинский Шекспирнинг реалистик методини батафсил таҳлил қилиб, юксак баҳолаган. М.Горький Шекспирни “Энг улуғ драмматург” деб атаган эди.

Ўзбек Миллий театрида “Ҳамлет” трагедиясининг сахналаштирилиши (1935) ўзбек театр санъати тарихида катта воқеа бўлди. Шекспирнинг

“Отелло” (1941), “Ромео ва Жульетта” (1951), “Юлий Цезарь” (1964) трагедиялари, “Вероникалик икки йигит” (1966) комедияси ҳам ўзбек театрларида катта маҳорат билан намоиш қилинди. Унинг Ҳамлет, Отелло, Брут, Дездемона, Яго ва бошқа қаҳрамонларини театрда қайта яратиш ва талқин қилишда А.Хидоятлов, О.Хўжаев, С.Эшонтўраева, Ш.Бурхонов, Н.Раҳимов ва бошқаларнинг актёрлик маҳорати ёрқин намоён бўлди. Шекспирнинг ўзбек тилида нашр этилган “Отелло”, “Қирол Лир” (Ғ.Ғулом), “Ҳамлет”, “Ромео ва Жульетта” (М.Шайхзода), “Юлий Цезарь” (Уйғун), “Қийик қизнинг қуйилиши” (Т.Тўла) ва бошқа асарларини ўзбек китобхонлари ҳам севиб ўқимоқдалар.

2007-2008 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси “ФАН” нашриётида нашр этилган “Сайланма”дан 12 та фожиа ва драмалар ўрин олган. “Сайланма” уч жилддан иборат бўлиб, биринчи бобда “Қирол Лир”, “Ҳамлет” (Дания шаҳзадаси), “Макбет” ва “Афиналик Тимон”, иккинчи жилдда “Ромео ва Жульетта”, “Отелло”, “Кориолан” ва “Юлий Цезарь”, учинчи жилдда “Венеция савдогари”, “Қиш эртаги”, “Қирол Генрих IV” ҳамда “Антоний ва Клеопатра” каби трагедия ва драмалари жамланган. Мазкур асарлар таржималари кўп йиллик меҳнат ва маҳорат маҳсули ҳисобланади.

Буюк инглиз драматурги ва шоири Шекспирдан 11 та трагедия, 17 та комедия, 10 та хроника (бирор воқеа тарихи ёритилган асар), 5та поэма (достон) ҳамда 154 та сонетдан иборат жуда бой, бундан ҳам муҳими, жаҳон адабиётининг шоҳ асарлари ҳисобланган ижод намуналари қолган.

В.Шекспирнинг бобоси фермер бўлган. Отаси Жон Шекспир 1552 йилда Уорхшир графлиги, Эйвн дарёси соҳилидаги Стратфорд шаҳрига кўчиб келган. Жон Шекспир жуда меҳнатсевар ва тадбиркор бўлиб, қўлқоп ишлаб чиқарувчи ўз корхонасига, 2та уйга эга бўлган. 1568 йилда у ҳатто Бейлиф (шаҳар хокими) вазифасига сайланган, Стратфорднинг бой ва энг ҳурматга сазовор фуқороларидан бири бўлган. У 1557 шаҳар яқинида яшовчи кичик дворяннинг қизи Мери Арден билан турмуш қурган. Жоннинг отаси,

Шекспирнинг бобоси Англиянинг энг қадимги сулоларидан ҳисобланган. Арденлар ерини ижарага олганлиги сабабли бу оила билан яқиндан таниш бўлган.

Жон ва Мерининг учинчи фарзанди (уларнинг тўнғич икки қизи ёшлигидаёқ вафот этган) Уильям 1564 йилда туғилган. Бунга Страдфортнинг Троица черкови дафтарида:

“Жон Шекспирнинг ўғли Уильям 1564 йилнинг 26 апрелида чўқинтирилди,” деб қайд қилинганлиги асос бўлган. Ўша даврдаги таомилга кўра христиан динига мансуб оила фарзанди туғилганидан кейин 3 кун ўтгач черковга олиб борилган, яъни Уильям Шекспир 23 апрелда туғилган деб ҳисобланади.

Шаҳарда ҳар йили турли томошалар ўтказиб турилган. Фақат 1576-1587 йиллар, яъни 9 йил давомида бу шаҳарга театрларнинг сайёқ труппалари камида 24 марта келганлиги маълум. Ўша даврдаги одатга кўра, труппа артистлари бейлиф (шаҳар ҳокими) томонидан қабул қилинар, санъаткорлар томошаси шаҳар ҳокимига мўқул тушса, труппа биринчи спектаклини унинг уйида оиласи ва дўстларига намойиш қилар эди. Демак, Уильям ёшлигиданок ўз уйида саҳна томошаларини кўриш имконига эга бўлган.

Стратфордда Англиядаги энг нуфузли таълим муассасаларидан ҳисобланган грамматика мактаби (Grammar school) бўлган. Бу мактабда шаҳар раҳбарларининг фарзандлари бепул ўқиган. Грамматика мактабида университет маълумотига эга бўлган ўқитувчилар дарс берган. Ўқувчилар асосан лотин, қисман юнон тилини ўрганганлар. Уильям 7 ёшидан 12 ёшига қадар грамматика мактабига ўқишга кириб, лотин тилидан сабоқ олган, юнон тили билан танишган, антик адабиётларни мутолаа қилган. Хусусан, унинг Овидий ва Плавт каби шоирлар ижоди билан танишгани маълум. В.Шекспир 13 ёшлигида отаси номаълум сабабларга кўра хотини Мери Арденга тегишли ерларни гаровга қўйишга, кейин эса уларни сотишга мажбур бўлган. 1586 йилда у шаҳар маъмурлари сафидан ҳам чиқарилган.

1582 йилда Шекспир ўзидан 8 ёш катта бўлган маҳаллий помещчик (катта ер эгаси)нинг қизи Анна Хатауэй (Anna Hathaway)га уйланган. 1583 йилда бу оилада Сюзанна, 1585 йилда эгазак ўғил- Ҳамнет Су (ёшлигида, 1596 йилда вафот этган) ва қиз-Жудит туғилган.

Тахминан 1585-1586 йилларда В.Шекспир Лондонга кўчиб келган. У даставвал бу ерда қайси театрда, қандай лавозимда бўлганлиги номаълум. Аввалига у актёр ёки режиссёр ёрдамчиси бўлган деб ҳисобланади. Фақат 1592 йилдагина унинг Лондондаги Ричард Бербежнинг “Лорднинг камергер хизматкорлари” артистлар труппаси аъзоси бўлганлиги маълум. Умуман, адибнинг Лондондаги 1592 йилгача бўлган фаолиятини татқиқотчилар “ҳайф кетган йиллар” деб ҳам аташади. Чунки унинг ана шу даврдаги ҳаёти билан боғлиқ бирорта ҳужжат сақлақниб қолмаган.

1599 йилда В.Шекспир мазкур труппанинг найчиларидан бири бўлган. Натижада у актёрлик маоши, ёзган пьесалари учун қалам ҳаққидан ташқари труппа даромадидан ҳам ўз улушини олган. В.Шекспирнинг даромади кўпайиши биланоқ ўз оиласи билан бирга ота-онаси, укаларини ҳам маблағ билан таъминлаб турган. 1597 йилда эса Стратфорддаги энг катта уйларидан бирини сотиб олган, отасига дворянлик унвонини ҳам олиб берган.

Англияда Яков I ҳукмронлиги даврида бу труппа қироллик театри мақомига эга бўлган. В.Шекспир унинг кўп йиллик аъзолари қатори камердинер (шахсий уй хизматкори) унвонига сазовор бўлган. 1612 йилда у номаълум сабабларга кўра истефога чиққан рафиқаси ва қизлари яшаётган Стратфордга қайтиб келган.

В.Шекспир 1616 йил 23 апрелда вафот этган.

В.Шекспир ҳаётига доир маълумотлар жуда кам сақланганлиги боис XVIII аср охирида унинг драмаларига муҳаррирлик қилган Жорж Стивенс шундай ёзган:

“Бизнинг Шекспир ҳақидаги бор-йўқ билганларимиз: у Стратфордда туғилган, уйланган, фарзанд кўрган. Лондонга борган, марказда актёрликни

эгаллаган, пьесалар ва шеърлар ёзган. Стратфордга қайтган. Васиятнома қолдирган ва ўлган”

Шекспир Уйғониш даврининг инглиз театри атоқли арбоби, актёри ва драматурги, мутафаккири, беқиёс истеъдод, бадий маҳорат ва журъат соҳиби эди. У 25 йил ичида жаҳон драматургиясининг ажойиб намуналари ҳисобланган 37 та драматик асар яратган. Ўша асарларининг ҳар бирида санъатнинг катта имкониятларини кўрсатган, инсон табиати, тийнати (характери) ва ҳаётини, борлиқни тўла-тўқис англашга ёрдам берган санъаткор эди. Бир талай шекспиршунос олимларнинг татқиқотлари, изланишларига кўра, Шекспир ўз даври ва муҳотида ижод ёлғиз бўлмаган, балки бир қанча авлоднинг меҳнати унинг ижодига замин тайёрлагани, драматург асарларида беқиёс катта маҳорат билан қўлланган санъатнинг бир қанча воситаларини салаф (ўтмишдош)лари яратгани, ўзи эса ажойиб ақл ва истеъдод эгалари бўлган драматурглар сафида, улар билан ижодий беллашиб асарлар яратгани, ғоявий, бадий муаммоларни ҳал этиш бобидаги тортишувларда фаол иштирок этганининг маҳсули сифатида “Ҳамлет”, “Отелло”, “Қирол Лир”, “Макбет”, “Юлий Цезарь”, “Ричард III”, “Венециялик савдогар”, “Қайсар қизнинг қуйилиши”, “Ўн иккинчи кеча” сингари жаҳон драматургияси ҳазинасининг дурдоналари майдонга келгани маълум бўлди. Демак, Шекспир ўз-ўзидан етишиб чиқмаган, балки ўз халқи, ўз даврининг етук вакили, давр яратган маданиятнинг алоҳида тимолидир.

Уйғониш даврида драма асарлари яратган ижодкорлар шоир деб ҳисобланмаган, улар яратган асарлар театрларнинг хусусий мулкига айланган, сахнадан тушиб кетгач, қолиб кетган ёки бошқа муаллифлар томонидан қайта ишланган. Асарларни нашр этиш одат бўлмаган. Фақат спектакль пайтида сценография (матнни шартли белгилар ёрдамида жадаллик билан ёзиб олиш) қилиб олинган ёки бирор актёр сотиб олинган нусхадан кўчириб нашр эттирганлар, бундай нашрлар “ўғирлик”, “қароқчилик” деб аталган. Шунини таъкидлаш керакки, Англияда драматурглар шахси билан ҳеч ким қизикмаган, улар актёрлар қўланкасида қолиб кетган.



Шекспирнинг вафотидан юз йилча вақт ўтгандан кейингина унинг асарлари ношири (нашр этувчиси) Никла Роу драматург ҳақидаги ҳар хил маълумотлар ва афсоналарни тўплайди. Стратфордга бориб, драматургнинг хамшаҳарларидан ва Лондон театрларидан унинг ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни актёр Беттертон тўплайди. Орадан кўп вақт ўтмай Роу ва Беттертон қаторига бошқалар ҳам қўшиладилар.

Буюк инглиз драматургининг ҳаёти, ижоди, яшаган даври ва муҳитини ўрганиш учун турли соҳа олимлари икки ярим асрдан буён синчковлик билан даврга доир барча архив материаллари, черков, давлат ва ҳакамлик, мактаб, сайёҳлар ҳужжатларини кунт билан ўргандилар, натижада Шекспир ҳаёт йўлини, тамоман бўлса-да, аниқлашга муяссар бўлдилар.

Шекспир фамилияси “Shakespeare” – “найзани ларзага келтирувчи” маъносини англатади. Унинг боболари фермер бўлган, отаси Жон Шекспир 1552 йили Эйвн дарёси соҳилидаги Стратфордга кўчиб келган. У ниҳоятда меҳнатсевар одам бўлиб, 5 йил ичида қўлқоп ишлаб чиқарувчи корхона, икки уй эгаси ва шаҳарни идора этувчилар қаторига кўтарилган. 1568 йили эса бейлиф (шаҳар ҳокими) лавозимига сайланган.

15 ёшида мактабни тамомлаган Шекспир нима билан шуғулланганлиги номаълум. Баъзилар, Н.Роу афсоналарига кўра, отаси билан қассоблик қилган десалар, баъзилар эса мактаб ўқитувчисига ёрдамчи бўлган дея маълумот беришади. Иккинчи тахмин ҳақиқатга яқин, чунки драматургнинг замондоши бўлган актёр Бистон хабарига кўра, “Шекспир лотин тилини анча пухта билган, чунки у ёшлигида қишлоқда ўқитувчилик қилган эди” дейди.

Драматург 1585-1586 йиллар она шаҳрини ташлаб, Лондонга кетади. Шекспир Лондонга келгач қайси театрда, қандай лавозимда хизмат қилгани номаълум. Лекин Шекспир орадан кўп ўтмай драматург сифатида танилди. Шекспир биринчи асарини 1588 йилда ёза бошлаган. Гап шундаки, 1590-1592 йилларда Шекспир асарлари кишилар диққатини ўзига жалб қилади. Чунончи, сатирик ёзувчи Томас Неш 1592 йилда ёзилган “Бир пулсиз Пирс” памфлети (танқидий асар)да “Генрих VI” пьесаси томошабинларда катта

таассурот қолдирди деб ёзган эди. Лекин Шекспирнинг номини тилга олмайди. Ўша йилнинг ўзида пьесага салбий тақриз ҳам чиқади. Бу сафар ҳам драматургнинг номи тилга олинмайди. Лекин гап Шекспир хақида бораётганига ҳеч қандай шубҳа қолмайди. Драматург, ёзувчи Роберт Грин 1592 йилда вафоти олдидан “Миллион пушаймонга сотиб олинган бир пуллик ақл” памфлетига ўз гуноҳларига пушаймон қилганини изҳор этиш билан ҳамкасб рақибларидан ҳам ўч олади. Ўз дўстлари, “университет ақл эгалари”га мурожаат қилиб, “уларга ишонманглар, чунки улар орасидан бизнинг патларимиз билан безанган бир қарға чиққан. У актёр либосидаги шерюракли одам, у ишнинг кўзини биладиган шахс, холос, лекин шундай бўлса-да, ўзини сизларнинг энг моҳир санъаткорингиз каби оқ шеър (қофиясиз шеър) устаси, мамлакатда саҳнани ягона ларзага келтирувчисиман, деб ўйлайди”. Грин кимни назарда тутганлиги ўз-ўзидан маълум, чунки у айтган “саҳнани ларзага келтирувчи”(Shake scene) Шекспир фамилияси (Shakespeare) билан бўлган сўз ўйини эди.

Ижодини 25-26 ёшларида бошлаган драматург 30 ёшида “Генрих VI” трилогияси, “Тит Андроник”, “Ричард III”, “Адашишлар комедияси”, “қайсар кизнинг қуйилиши” каби драмалари 400 йилдан буён жаҳон саҳналаридан тушмай келмоқда.

1593 йилда Лондонда вабо касали тарқалиб, театрлар ёпилди, актёрлар вилоятларга кетиб қолишди. Марказда қолган Шекспир драмалар ўрнига шеърят билан шуғуллана бошлади. Ўша йили унинг “Венера ва Адонис”, 1594 йилда “Лукреция” дostonлари босилди. Муаллиф “Венера ва Адонис” дostonини “Ҳаёлотимнинг биринчи маҳсули” деб атаган эди. Ўша даврда драматик асарлар бадий асар ҳисобланмаган, шу туфайли Шекспир ўша дostonни “биринчи маҳсулим” деб атаган бўлса керак.

Ҳар иккала дoston ҳам граф Саутхемртонга бағишланган. Саутхамертон ўша давр аристократиясининг саройга яқин пешқадам вакили, ёзувчи ва олимларнинг ҳомийси бўлган. Шекспир билан ёш граф ўртасида дўстона муносабат бўлмаган, лекин Саутхемертон Шекспирга ҳомийлик қилган.

Шекспир драмалари илк бор 1594 йилда нашр этилган эди. Ношир Жон Дентер “Тит Андроник ҳақидаги ачинарли трагедия” ва “Генрих VI”нинг иккинчи қисмини муаллифнинг номини кўрсатмай, пинҳона чоп эттирган эди.

1594 йилда театрлар Лондонга қайтгач, труппалар таркиби бирмунча ўзгарган эди. Актёрлар иккита йирик жамоа ташкил этишди. Уларнинг бири актёр Эдуард Аллейнга тегишли эди, уни Флипп Хенсло маблағ билан таъминларди. Актёр Бербеж оиласи ўша труппа асосини ташкил этган эди. Бербежнинг ўғли Р.Бербеж Шекспирнинг яқин дўсти, ўша даврнинг истеъдодли актёрларидан эди. Ўша труппа Лорд Камергер ҳомийлигида бўлиб, актёрлар “лорд камергер хизматкорлари” деб аталган. Шекспирнинг бундан кейинги ижоди шу труппа билан боғлиқ бўлган.

1595 йилда Шекспир Лондон драматурглари ўртасида етакчи ўринни эгаллайди. Унинг ўзидан катта замондошлари К.Марло, Р.Грин, Кидлар оламдан ўтган эди, Ж.Лили ижодий ишдан узоқлашган. Грин айтганидек, Шекспир “саҳнани ларзага келтирувчи даҳо бўлиб қолди”. У 5-6 йил ичида 15та пьеса- “Ричард II”, “Қирол Жон”, “Генрих IV”, “Генрих V” хроникалари (бирор воқеа тарихи ёритилган асар)лари, “Вероналик икки йигит”, “Муҳаббатнинг самарасиз уринишлари”, “Беҳуда шов-шув”, “Ўн иккинчи кеча” комедиялари, “Ромео ва Жульетта”, “Юлий Цезарь” трагедияларини яратди.

1599 йилда Бербеж труппаси ўзи қурган янги театр биноси “Глобус” учун янги пьесаларга зарурат туғилади, бу ишга Шекспир астойдил киришади. Унинг сўнги қувноқ комедиялари “Беҳуда шов-шув”, “Бу сизга маъкулми”, “Ўн иккинчи кеча” шоҳ трагедиялари ва умуман бундан кейинги ҳамма асарлари шу театрда қўйилган.

Ўша даврда Шекспир илгаригига қараганда камроқ ёзади, бир йилда учта пьеса ўрнига битта пьеса ёзади: “Ҳамлет”, “Троил ва Кресеида”, “Яхшилик билан тугаган иш яхши”, “Ўчга ўч”, “Отелло”, “Қирол Лир”,

“Макбет”, “Антоний ва Клеопатра”, “Кориолан” ва “Афиналик Тимон” пьесаларини ўн йил ичида ёзган эди.

Шекспир драматург сифатида ижод қилиш билан чегараланмай, актёр сифатида ҳам ўзини кўрсатган етук шахс эди. XVI асрнинг кейинги йилларида вужудга кела бошлаган ижтимоий-сиёсий қарама-қаршиликлар XVII аср бошларида айниқса кескинлашди. Қиролича Елизавета 1603 йилнинг 24 мартида вафот этади. Унинг фарзанди бўлмаган, инглиз тахтига Елизавета қатл эттирган Шотландия қироличаси Мария Стюартнинг ўғли Яков I ўтиради. Янги қирол театрларни ўз ҳомийлигига олади: театрлар энди “Қирол олий хазратлари хизматкорлари”, “Қиролича олий хазратлари хизматкорлари” ва “Шаҳзода хазратларининг хизматкорлари”га айланади. Бербеж труппаси энг яхши труппа сифатида, энг олий шарафга муяссар бўлади-қирол труппаси номига молик бўлади. 1608 йилдан эътиборан Бербеж театри “Глобус”да ҳам, сахнаси анча яхши жиҳозланган Блек Фрайерсда ҳам спектакллар кўяди. Ўша дварларда Шекспир романтик рухдаги трагик-комедиялар “Перикл”, “Цимбелин” ва “Бўрон”ни яратади.

Шундан кейин шекспир она шахри Стратфордга қайтади, драматург ҳаётининг сўнги йилларини ёр-биродарлари орасида ўтказди. Айрим тахминларга кўра она шахрига қайтишининг сабаби саломатлигининг ёмонлашганидир. У 1616 йилнинг 23 апрелида вафот этади. Унинг жасади Стратфорддаги Троица черковидаги меҳробга қўйилган.

Шекспир васиятнома қолдирган. Васиятнома уч варақдан иборат бўлиб, охирги саҳифада драматургнинг имзоси қўйилган. Шекспирнинг қизларидан тарқалган авлоди XVIII аср ўрталаригача яшаган.

Драматург вафотидан сўнг ёш шоирлар унга атаб қасидалар ёзадилар, улар орасида ёш Милтон ҳам бор эди. У Шекспирга монумент ҳайкал керак эмас, “Сен ўзинга бузилмас ҳайкал ўрнатдинг” дейди. Драматург вафотига бағишлаб ёзилган асарлар орасида 1623 тўпламига ёзилган Б.Жонсон шеърий шаклда битилган сўз боши айниқса диққатга сазовордир. Жонсон Шекспирни “Даврнинг юраги” деб атаган эди. “Бизнинг Лили, жасур Кид, Марлонинг

улуғвор шеърияти унинг кўланкасида қолиб кетди” дейди. Мереz айтганидек, Жонсон ҳам Шекспир “шон-шавкатли Греция ва мағрур Рим бизга қолдирган асарлардан ҳам юқори турган” асарлар яратди деб ҳисоблайди.<sup>4</sup>

“Бизнинг Шекспир ҳақида” деб аталган иккинчи хотирасида Жонсон Шекспирга янада юқори баҳо беради: “.....мен уни инсон сифатида севар эдим, муҳлислари каторида туриб, улар билан биргаликда унга ҳурмат бажо келтириб, таъзим қиламан. У виждонли, кўнгли очиқ ва хуштабиат, бой фантазияга, ўткир мулоҳаза ва қаламга эга бўлган одам ади, шунинг учун ниҳоятда тез ва осон ёза олган.... У чуқур ва ўткир ақл эгаси эди, лекин баъзан ўзини ўзи назорат қила олмаган, шу боис айрим хатоларга ҳам йўл кўяр эди. Аммо унинг яхшилик жиҳатлари камчиликларидан устун турарди” дейди. “Ҳақиқатдан ҳам, Шекспир асарларида онда-сонда шошма-шошарликлар учрайди”<sup>5</sup> деб ёзади шекспиршунос профессор Ф.Сулаймонова.

Шекспир ҳаёти ва ижодини ўрганишда дастлабки маълумотларни Мереz ва Жонсон каби замондошлари берган бўлсалар, мана драматург вафотига уч ярим асрдан кўп вақт ўтди, унинг ҳақида фикр билдиришлар ҳамон давом этмоқда. Шекспир ҳақида турли хил уйдирмалар ҳам пайдо бўлган эди.

Шекспир ҳаммага маълум бўлган 37та пьесадан ташқари “Эдуард III”, “Карденно”, “Икки олийжанов қариндош”, ва “Томас Мор” драмаларининг яратилишида ҳам иштирок этган. Шекспир асарлари хронологияси (замон жараёнидаги тарихий воқеаларнинг изчиллиги) масаласи ҳам диққатга сазовордир. На Шекспир, на унинг бирорта замондоши драматик асарларнинг нашр этилишини ҳаёлларига келтирмаган, пьесаларни чоп этиш учун мўлжалламаганлар, уларни сахнада кўрсатишган, холос.

Шекспир фақатгина иккита достонини ўз ихтиёри билан нашрга топширган, қолганларининг ҳаммаси муаллифнинг қаршилик кўрсатишига

---

<sup>4</sup> Аникет А. Шекспир. Ремесло драматурга. Москва, Советский писатель, 1974 й. 132-134 бб.

<sup>5</sup> Сулаймонова Ф. Шекспир Ўзбекистонда. Т., “Фан” нашриёти, 1978 й. 36-92 бб.

карамай босиб чиқарилган. Шекспирнинг қуйидаги драмалари: “Тит Андроник”, “Генрих VI” (2-3-қисмлари), “Ричард II”, “Муҳаббатнинг самарасиз уринишлари”, “Венециялик савдогар”, “Генрих V”, “Беҳуда шовшув”, “Ёз кечасидаги туш”, “Виндзориялик ҳазилкашлар”, “Ҳамлет”, “Қирол Лир”, “Троил ва Крессида” ва “Перикл” ҳаётлигида чоп этилган. “Адашишлар комедияси”, “Қайсар қизнинг қуйилиши”, “Вероналик икки йигит”, “Қирол Жон”, “Бу сизга маъқулми?”, “Ўн иккинчи кеча”, “Юлий Цезарь”, “Яхшилик билан тугаган иш яхши”, “Ўчга ўч”, “Афиналик Тимон”, “Макбет”, “Антоний ва Клеопатра”, “Кориолан”, “Цимбелин”, “Қиш эртаги” ва “Бўрон” кейин нашр этилган.

Шекспир вафотидан етти йил ўтгандан сўнг Ж.Хеминг ва Г.Кондел Жонсон иштироки ва раҳбарлигида драматург асарларини тўплаб, нашрга тайёрлаган эдилар. Қисман ноширларнинг хусусий мулкига айланган, актёрлар қўлида тарқалиб кетган пьесалар қўлёзмаларини тўплаш, уларнинг матнини тиклаш, таҳрир қилиш каби мушкул ишни драматургнинг дўстлари амалга оширишди. 1623 йилда 998 саҳифадан иборат, катта ҳажмда фолио (катта ҳажмдаги китоб), Уильям Шекспирнинг комедия, хроника (йилнома) ва трагедиялари, аслият ва аниқ нусхадан босилган” номи остида босилган. Мазкур нашрнинг бизгача етиб келган икки юзга яқин нусхасининг 14таси тўлиқ ҳолда мавжуд.

Тўплам одатга кўра бирор лорд (Англияда зодагонларнинг авлоддан авлодга келадиган олий унвон ва шу унвонга эга бўлган киши), амалдорга бағишланиши керак эди. Ҳемен ва Кондел фолиони икки граф-Пембрук ва Монтгомерига бағишлайдилар, бағишлашда камтаринлик билан “Биз фақат вафот этган муаллифга хизмат қилиб, унинг етимлари (асарлари назарда тутилмоқда) ғамхўрлик қилдик, пьесаларини тўплادик, биз шахсий манфаатдорлик ва шухратга интилганимиз йўқ, балки буюк шухратга муносиб бўлган дўстимиз Шекспир хотирасини абадийлаштиришга уриндик, холос”.

Шекспир асарлари хронологиясини аниқлаш масаласи билан олимлар XVIII асрдан бошлаб қизиқиб келмоқдалар, инглиз олими Э.К.Чемберс ҳақиқатга энг яқин бўлган хронологияни аниқлади. Мана 1930 йилда Чемберс томонидан тузилган 37 та пьесанинг хронологияси яратилган. Шекспирнинг адабий мероси 37 та пьеса, иккита дoston ва сонетлар тўпламидан иборат.

Шекспир ижодини баъзи олимлар уч даврга, баъзилари эса тўрт даврга ва бу тўрт давр ичида тағин турлар, жанрларга ажратадилар. Шекспирникидек бой, турли жанр ва ғоявий йўналишдаги адабий мероснинг ўрганилишини осонлаштириш учун даврларга ажратиш зарур, аммо қанчалик даврларга ажратилмасин, шартли бўлиши аниқ. Масалан, “Юлий Цезарь” трагедияси 1599 йилда ёзилганлиги маълум, бироқ бу трагедия ҳам ғоя, ҳам шакл жиҳатдан шу йилларда яратилган асарларидан анча фарқ қилади ва 1600 йилдан сўнги трагедияларга яқин туради. 1600 йилда ёзилган “Ўн иккинчи кеча” комедияси эса, аксинча, биринчи даврда яратилган оптимистик трагедияларига яқин ва 1601 йилдаги “Ҳамлет”дан бутунлай фарқ қилади. Шекспир асарларини яратилиш пайтига қараб эмас, балки уларни характери ғоявий йўналишига қараб ажратиш мақсадга мувофиқдир.

## **2.2. Ромео ва Жульетта асарига китоб безакларининг бажарилиш босқичлари**

*Жаҳон санъати тарихини Шекспирсиз тасаввур қилиш қийин. Унинг театр санъати ривожига бўлган таъсири беқиёс. Унинг трагедиялари жаҳон адабиёти дурдоналари сафидан ўрин олган. Шекспир асарлари бугунги кунда ҳам дунё сахнасидан тушмай келаётир. Шунча самарали меҳнати ва шон-шухратига қарамай, Уильям Шекспир ҳеч қандай мукофот олмаган, диплом билан ҳам тақдирланмаган...*<sup>6</sup>

*Анвар Намозов*

Уильям Шекспир дунё аҳлига энг аввало драматург сифатида маълум бўлсада, унинг сонетлари жаҳон шеърятининг энг ёрқин ва бетакрор асарлари хазинасидан муносиб ўрнини топган. Шекспирнинг илк трагедияси, шоҳ асари “Ромео ва Жульетта” ўзбек тилига 1949 йилда Мақсуд Шайхзода, орадан қарийб олти йил ўтиб Жамол Камол таржима қилишди. Шайхзода асарни русчадаги Б.Пастернак вариантдан ўзбекчалаштирган, таржима жараёнида Жаъфар Жабборлининг озарбайжонча таржимасидан ҳам фойдаланган, дейишади мунаққидлар. Таржима мувафакқиятли чиққан бўлса-да, сахнада у “Отелло” ва “Ҳамлет” каби шухрат козонолмади. Театршунос М.Раҳмонов ва Т.Сильмилштейннинг таъкидлашича, режиссёр асар “ғояси ва услубини яхлитликда бера олмаган эди”.

---

<sup>6</sup>www. Kh-davron.uz. kutubxonasi. А.Намозов. Жаҳон адабиёти ва маданияти.”Серкирра ижод ва машаққатли ҳаёт” мақоласи.



Шекспирнинг “Ромео ва Жульетта” асари 1595 йилда ёзилган. Бу даврда Шекспир асосан комедиялар яратган бўлиб, уларнинг аксарига ишқий мавзу асос қилиб олинган. Шекспир комедияларида муҳаббат ёвузлик устидан ғалаба қозонади. “Ромео ва Жульетта” ҳам муҳаббат мавзусида. Бироқ бу асарда севги фожиа билан якун топади. Трагедиядаги фожианинг асосий сабабчиси икки оила ўртасидаги эски адоватдир. Бундай мавзу қадимдан мавжуд бўлиб, уни барча халқларда қўзатиш мумкин. Уларда тарихий фактлар афсонага асос бўлиб хизмат қилган. Масалан, Италияда икки душман оила – Монтеки ва Капулетти яшаб ўтгани маълум. Кейинчалик инглиз шоири Артур Брук шу асосда дoston ёзган. Шотландияда ҳам душман қабилалардан бўлган икки ёшнинг фожиали муҳаббати ҳақида “Дугласлар фожиаси” балладаси мавжуд. Булардан ташқари икки ёшнинг англашилмовчилик қурбони бўлганлигини тасвирловчи Пирам ва Фисба ҳақидаги қадимги юнон афсонаси ҳам мавжуд. Унда Пирам севгилиси билан учрашиши лозим бўлган ерда қизнинг қонга беланган, парчаланган ёпинғичини кўради. Фисбани йиртқич ҳайвонлар нобуд қилган, деган даҳшатли ҳулосага келади ва ўзини ўлдиради. Бу орада Фисба қайтиб келади, у ўлмаган, ёпинғичини шер ҳужумидан қочаётганда тушириб қолдирган эди. Севгилисининг жасадини кўргач, унинг қиличи билан ўзини ўлдиради. Шекспир бу афсоналардан яхши хабардор эди, ўз трагедиясида улардан унумли фойдаланади ҳамда янги руҳ билан бойитади.

Асар марказида Ромео ва Жульетта қизил ва оқ гуллар орасида тасвирланган. Уларнинг бошлари узра кўм кўк юлдузли осмон, бир тарафда барча бўлиб ўтган вовеаларни, икки севишганнынг пок севгиси ва бевақт

ўлимига гувоҳлик бераётгандек тўлин ой ва иккинчи тарафида қаср тасвирланган.

Асарнинг пастки қисмида эса қуриб бораётган дарахтлар, ёниб эриб тугаётган шамлар, черков ва унда икки севишганныннинг жасади узра таралиб турган нурлардан шуни англашимиз мумкинки, севишганларнинг оташин

туйғулари бир нур каби ёниб ўчганлигини, дарахтларнинг қуриган ҳолда тасвирланиши эса фожеадан дарак беради.

Иккинчи композиция асарида саройдаги балл тасвирланган бўлиб, баллда икки севишган муҳаббатга тўлган нигоҳи билан бир – биридан кўз узмай рақс тушишмоқда. Асар композициясини томоша қилар эканмиз, ўша давр мухитини, дунё қарашини, рақсларини тасвирланган одамларнинг либосларида, уларнинг қай ҳолатда турганлигидан, саройнинг безатилишидан билиб олса бўлади. Иссиқ рангларнинг ўзаро бир – бирини тўлдириб, байрамона кайфиятни бахш этмоқда. Жульетта нафис мовий ранг либосда, сочлари ёйилган, юзида ниқоб тақилган, бир қўлида оппоқ гулларни ушлаган ҳолда, иккинчи қўли билан Ромеонинг қўлидан тутганча майин сирли табассум билан севгилисига қараб турибди. Ромео эса ўша давр йигитларига хос кийинган, унинг ҳам юзида ниқоб, бир қўли билан Жульеттанинг нозик қўлидан тутган ҳолда кўзларидан кўзини узмай рақсга тушмоқда. Уларни бир чеккада Жульеттани севадиган Парис тасвирланган.

Учинчи композиция асарида севишганларнинг тўйи тасвирланган, унда икки ёшнинг черковдан никоҳдан ўтиб, хурсанд ҳолда чиқиб келаётганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу асарда муҳаббат тўсиқларга қарамаслигини, қаҳрамонларни буткул ўзгартириб юборишни акс эттирилган. Ромео ўзининг Розалиндага хушторлигини оддий ўйин, ҳавас эканлигини тушуниб етади ва Жульеттани севишини англаб, ўз ҳиссиётлари учун курашиб, унга уйланади. Бу икки ёшнинг муҳаббатига ҳайрихоҳ икки одам бор – энага ва роҳиб Лоренсо. Жульетта оилада ўз ҳиссиётларига ҳамдард одам топа олмайди. Ота шафқатсиз ва золим одам, онаси эса фарзанди дардларига бефарқ. Фақат энагагина Жульеттанинг сирларидан воқиф. Бироқ энага ўз қарашларида собит эмас, кимдан совға олса, ўшанга хизмат қилаверади. Жульеттанинг Ромеога хуфёна турмушга чиққанини била туриб, уни Парисга тегишга ундайди. Шундан сўнг Жульетта фақат роҳиб Лоренсогагина ишониб қолади. Лоренсо ўрта аср маърифатпарварининг ёрқин образидир. У эзгулик, тоза ҳиссиётлар ҳимоячиси. Айни пайтда икки

ёшнинг муҳаббати оилалар ўртасидаги ихтилофга ҳам барҳам беради, дея орзу қилади. Шу сабабли ҳам уларни яширинча никоҳлаб қўяди. Асарнинг юқори қисмида роҳиб Лоренсонинг никоҳ ўқиётган ҳолати, севишганларнинг пок туйғулари нишони бўлмиш оқ кабутарлар, ҳамда Ромео ва Жульеттанинг черковдан ҳаётдан хурсанд ҳолда, бахтдан учиб чиқиб келмоқда. Ёшларнинг бахтли онларини ёрқин рангларда, нафис гулларнинг ўзаро уйғунликда тасвирланганидан билиб олишимиз мумкин.

Тўртинчи композиция асари “Жанг” деб номланиб, унда Ромео ва Жульеттанинг акаси Тибалтнинг ўзаро олишуви ва Париснинг гувоҳлиги тасвирланган. Жанг черковнинг тўғрисида бўлиб ўтади. Биноларнинг соясидан жанг тушдан кейин содир бўлаётганлигини акс эттиради. Ромео билмаган ҳолда Тибалтнинг кўксига ҳанжар уради. Ромео Тибалтни, яъни Жульеттанинг қариндоши, акасини ўлдириб қўйгач, қочишга мажбур бўлади ва маълум бир вақт одамлардан яшириниб юради.

Бешинчи композиция асари. Жульетта эса Парисга турмушга чиқишга рози бўлиши лозим эди. Шунда Лоренсо ҳийла ишлатмоқчи бўлади, яъни ўзининг билимларига таяниб ўтлардан тайёрлаган дориси билан Жульеттани ухлатиб қўймоқчи бўлади. Бу Ромео яширинча келиб Жульеттани олиб кетиши учун ягона чора эди. Бундай вазият ўз вақтида бошқа асарларда ҳам қўлланган. Жульетта ота-онасига сирини оча олмас, чунки акасининг ўлими, жудолик алами уларнинг инсофга келишига мутлақо йўл қўймаслиги аниқ эди. Бунинг устига қизнинг аламзада онаси Ромеони захарламоқчи эканлиги Жульеттанинг Лоренсо таклифига кўниши ягона чора, деган хулосага келишига сабаб бўлади. Ромеога Лоренсо томонидан юборилган чопар шаҳарда тарқалган ўлат касали туфайли вақтида етиб бора олмайди. Оқибатда Ромео Жульетта ўлими тўғрисидаги ёлғон хабарни эшитади ва бу фожиага сабаб бўлади.

Асардаги икки зодагон оиласи ўртасидаги ихтилоф туфайли Веронанинг асл ёшлари Жульетта, Ромео, Ромеонинг дўсти Меркутсио, Жульеттанинг акаси Тибалт ҳалок бўлади. Ҳатто Жульеттага ошиқ-у бекарор бўлган гўзал Парис ҳам нобуд бўлади. Бироқ севги ғалаба қозонади, севишганларнинг жасадлари устида уларнинг оталари бир-бирларига қўл узатадилар. Ошиқ-маъшукни бир қабрга қўядилар.

## ХУЛОСА

Мустақил Ўзбекистонда ёшлар ижодини қўллаб-қуватлаш мақсадида турли шарт-шароитлар яратилган бўлиб, улардан бири ёш авлоднинг саводхонлик маданиятини ошириш, жаҳон адабиётини ўрганиш ва тарғиб қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Давлатимиз раҳбари китобхонлик маданиятини очираш ва тарғиб қилиш<sup>7</sup> тўғрисидаги Қарорида жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига таржима қилиш бўйича давлат буюртмалари бериш, уларни зарур нусхаларда юксак сифат билан нашр этиш ва молиялаштириш тизимини йўлга қўйиш, китоб тарқатиш тизимини янада ривожлантириш ва китоб маҳсулотларининг нархини шакллантириш ва сотиш бўйича аниқ механизмларни ишлаб чиқиш чораларини белгилаш масалалари илгари сурилган. Жаҳон адабиётининг буюк намоёндаларидан бири Шекспир ижодига қизиқишим катта бўлганлиги сабабли асарларини ўқиганлигим ва бунинг натижасида битирув малакавий иши мавзусини ёритиш асосида

---

<sup>7</sup> Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 13-сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Қароридан.

“Ромео ва Жульетта” асари, унга ишланган иллюстрациялар кўриб чиқилди ва таҳлил қилинди.

Биринчи бобда ўрганилган адабиётлардан келиб чиқиб иккинчи боб таҳлил этилди. Шунингдек, малакавий битирув иши асосини ташкил этган ўрта асрлар Анлия маданияти, тарихи ва диний тасаввурлари ўрганиб чиқилиб, керакли материаллар йиғилди. Йиғилган маълумотлар асосида назарий, амалий ва кузатувлардан аввалига эскизлар яратилиб, эскизлар йиғиндисидан композиция яратилди. Композициялар битирув малакавий иши раҳбари хамроҳлигида бойитилиб, камчиликлари тўғриланган ҳолда дастлаб каламтасвир шаклида чизилди. Кейинги жараёнда иллюстрация оригинал композицияга кўчирилди, яратилган композицияларга ранг берилиб, иллюстрация рангда ишланди. Композицияни яқунланган ҳолатга келтириб, деталлаштирилган ҳолда композиция яқунланди. Асарни ўқиб, “Ромео ва Жульетта” муҳаббати кутилмаганда бир кўришдаёқ туғилади, аланга олади ва бу муҳаббат йўлида дарҳол ғовлар пайдо бўлади. Севишганларнинг оилалари бир-бирига душман, Ромео гўзал Розалиндага ҳам хуштор, Жульеттага эса Парис уйланиши лозим, Жульетта ҳали жуда ёш, бироқ муҳаббат тўсиқларга қарамайди, асар қахрамонларни буткул ўзгартириб юборади. Ромео ўзининг Розалиндага хушторлигини оддий ўйин, ҳавас эканлигини тушуниб етади. Жульетта эса ёш, соддадил қиздан иродали, ўз ҳиссиётлари учун курашишга қодир маъшуқага айланганлигини ҳис қилдим.

Ушбу жаҳон адабиётига мансуб асарда, ёшларнинг бир-бирига муҳаббати, ака-сингил ўртасидаги меҳр-оқибат ва ёвуз кучларнинг икки севишган ёшларга қаршилиги адиб томонидан чиройли ёзилган ва китобхон учун асарнинг тарбиявий аҳамияти жуда катта деб биламан.

Хулоса қилиб айтганда, бизнинг маънавий бойликларимиз бўлмиш, бадиий ва ижодий асарларимизни асараб, келажак авлодга қолдиришимиз, улар бизлардан фахрланиб, тарих, ва буюк аждодларимиз эзгу амалларни бажарганликларини гувоҳи бўлишлари биз учун шон-шарафдир. Аввало, миллий маданиятимиз, халқ маънавий бойликларининг илдизларига эътибор

қаратишимиз керак. Китоб – бу хазина асрлар давомида мисқоллаб тўпланган, тарихнинг бир қанча синовларини кўрган. Инсонларнинг оғир дамларида уларга мадад бўлган. Бизнинг вазифамиз – шу хазинани кўз қорачиғимиздек асраш ва янада бойитиш<sup>8</sup> деб биламан. Ҳозирги кунда ёшларнинг билим ва маънавий камолотини ошириш мақсадида бир қанча ишлар олиб борилиб ҳаётга тадқиқ қилинмоқда. Биз учун қилинаётган мана шундай кенг имкониятлардан ғурур билан фойдаланишимиз керак.

---

<sup>8</sup> Каримов И.А. “ Юксак маънавият – енгилмас куч “ – Тошкент “Ma’naviyat” 2009 – Б.78.

## АТАМАЛАР

Атаманинг ўзбек тилида номланиши	Атаманинг инглиз тилида номланиши	Атаманинг рус тилида номланиши	Атаманинг маъноси
Штрихлаш	Hatching	Штриховка	Тасвирда ишлатиладиган чизиқлар бирдамлиги ёки бир-бири устига ётқизилган нуқталар ёки чизмага тус беришга ишлатиладиган чизиқлар йиғиндиси.
Соус	Sauce	Соус	Расм чизишга мўлжалланган юмшоқ материал бўлиб, таркиби лой, бўр, елим ва рангли кукунлардан иборат. Улар қора, оч қорамтир ва оқ рангларда бўлади.
Капитель	Capital	Капитель	( <u>лотинча</u> <i>caput</i> ) - устун ёки, плястрни боғловчи қисм. Капитель устундан бўртиб чиқиб, устунга ўзгача кўрк беради.
Сангина	Sangin	Сангина	( <u>фр.</u> <i>sanguine</i> , <u>лотинча</u> - <i>sanguis</i> ) — расм чизишга мўлжалланган қаламча шаклидаги юмшоқ материал бўлиб, таркиби <u>каолина</u> ва <u>темир оксидларидан</u> иборат.
Тушувчи соя	Drop shadow	Падающая тень	Ёруғлик манбаи билан бир хил йўналишда жойлашган бошқа буюмнинг нур манбаидан яширин томони майдони.
Қараш нуқтаси	Observation point	Точка обзора	Расм чизувчининг жойлашган ўрни ёки кузатиш нуқтаси
Қараш бурчаги	Vision angle	Угол обзора	Жисмнинг чекка нуқталарига қараб кузатувчидан чиқаётган нурлар йўналиши.
Ўз сояси	Own shadow	Собственная тень	Предметнинг бир тарафи ёруғликда, бошқа томони сояда жойлашганидаги пайдо бўладиган соя.
Ёруғ -соя	Checkered light and shade	Светотень	Бирон-бир буюмнинг соя-ёруғини аниқлашдаги график муносабат.

Экорше	Ekorshe	Экорше	(франц. Écorché – “шилип олинган” écorce – “жилд”) – ўқув жумла, одамнинг мускуллари юзага чиқарилган терисиз қомати
Туслаш	Stump	Растушовка	Тасвирнинг аниқ бир қисмини соя-ёруғини кўрсатиб бериш учун қўлланиладиган услуб
Портрет	Portrait	Портрет	(франц. Portrait - тасвир) – тасвирий санъат жанри, бир ва ундан ортиқ одам тасвири
Натюрморт	Still life	Натюрморт	(французчадан «натюрморт» сўзи “ўлик нарса” деган маънони англатади). Бу тасвирий санъат жанридир. Бу жанр асарларида асосан инсонни ўрап турган буюмлар аксини топади – кўзалар, вазалар, озиқ-овқат маҳсулотлари, гуллар ва бошқа маиший буюмлар шулар жумласидандир. Ижодий натюрморт – бу рассомнинг инсонни ўрап турган буюмлар аксини ўз замони ва маконидагидек қилип тасвирлаши ҳисобланади.
Ҳомаки нусха	Etude	Этюд	(французча «etude» - ўрганиш) – ҳаётдан ишланган иш. Кўпинча этюд мустақил маъно касб этади. Баъзида у чизувчининг профессионал малакасини ошириши билан бир қаторда оламни чуқурроқ ва ҳаққоний ўрганишга хизмат қилади. Шу билан бирга этюд ишланадиган асарга ҳам ёрдамчи, ҳам тайёрловчи материал бўлиб ҳам хизмат қилади. Этюд ёрдамида рассом асар ғоясини аниқлайди ва майда қисмларига ишлов беради.
Гризайл	Grisaille	Гризайл	(французчадан <i>Grisaille</i> – <i>gris</i> сўзидан «кул ранг» маъносини англатади) – бу рангтасвир тури ҳисобланиб, бир ёки икки рангда ишланадиган, кўпинча жигарранг ёки кул рангларда тасвирланади ҳамда бу архитектура ва ҳайкалтарошлик элементларини



			қоғозга тушириш техникаси ҳисобланади. Гризайлда буюмнинг фақат туси ҳисобга олиниб, рангини эса аҳамияти йўқ.
Абрис	Outline	Абрис	Ҳажмнинг чизиқли шакли
Ракурс	Foreshortening	Ракурс	Буюм шаклининг перспектив қисқариши воситасида унинг доимий кўриниши ўзгариши; буюмнинг тепа ёки пастдан қаралгандаги тўсатдан берилган қисқартмалари.
Нисбатлар	Proportions	Пропорции	Буюмлар қисмларининг бир-бирига ва асосига бўлган ўлчамлар муносабати
Яримсоя	Penumbra	Полутень	Ҳажмли буюмнинг юза қисмидаги соя-ёруғнинг, соя ва нурнинг ўртасидаги ранг бирлиги
Ҳажм	Volume	Объем	Тасвирнинг текисликдаги уч ўлчамли шакли.
Буюм формаси	Shape object	Форма предмета	Буюм, объект ҳамда чизиқлар жойлашуви чегараларининг нисбий ҳолати
Композиция (тасвирий санъатда)	Composition (visual arts)	Композиция (изобразительном искустве)	Бу бадий шаклни мужассамлаштирадиган, асарга бирдамлик ва яхлитлик берувчи, рассом ғояси элементларини бир-бирига жипслаштирувчи нарса.
Қоралама	Sketch	Эскиз	Бадий асар ғоясини белгиловчи дастлабки чизма.
Пейзаж	Paysage	Пейзаж	(фр. <i>Paysage</i> , рауs дан — ўлка, атроф) – тасвирий санъат жанри (ҳамда бу жанрнинг алоҳида асарлари) бўлиб, тасвирнинг асосий буюми у ёки бу даражада инсон томонидан ўзгартирилган табиатдир.
Перспектива	Perspective	Перспектива	(фр. <i>perspective</i> , дат. <i>perspicere</i> — орқали кўриш) – фазовий объектларнинг бирон- бир текисликдаги зохирий

			қисқартирилишига мувофиқ уларнинг шакли ва соя-ёруғлиги ўзгаришини ифода этувчи тасвир техникаси.
Панорама	Panorama	Панорама	Айлана подрамникда ишланадиган тасмасимон асар.
Акварель	Watercolor	Акварель	( <u>фр.</u> <i>Aquarelle</i> — сувли; <u>итал.</u> <i>acquarello</i> ) – рангтасвир ашёси бўлиб, махсус сув бўёқларидан фойдаланувчи, сувда эриган ҳолатида юпқа шаффоф суспензия ҳосил қилиш орқали тасвирга енгиллик, қулайлик ва нозик ранг ўтиш таъсирини яратиб беради.
Гуашь	Gouache	Гуашь	( <u>фр.</u> <i>Gouache</i> , <u>итал.</u> <i>guazzo</i> сув бўёғи, шовуллаш маъноларини англатади) – акварелга қараганда қалинроқ ва хира бўлиб, сувда эрийдиган елимли бўёқлар турига киради.
Рангтасвир	Painting	Живопись	Тасвирий санъат тури бўлиб, кузатувчининг кўриб турган ёки ҳаёлий воқеликни қалин ёки эгилувчан юзага бўёқлар ёрдамида тасвир тушириладиган тушунчадир.
Блик	Hotspot	Блик	Тасвирланаётган нарсадаги энг ёруғ шуъла, қисм. Айниқса ҳажмли нарсаларнинг бўртириб чиққан қисмларида шуъла яққол кўринади.
Бадийлик	Artistic	Художественный	Санъат асарларининг мезони, ўлчови.
Интерьер	Interior	Интерьер	Бино ичкарасининг кўриниши бир бурчаги, қисми. Интерер тасвирий санъатнинг жанри бўлиб бинонинг ички кўринишлари тасвирланади.
Колорит	Coloring	Колорит	Бадий асар мазмунини тушунарли бўлишида ранглар нисбатидан фойдаланиш, бадий асарлардаги рангларнинг умумий туси, тузилиши.

Рефлекс	Reflection	Рефлекс	нарсанинг шахсий ва тушувчи соясидаг шуъласи, у теваарак атрофдаги нарсалар таъсири натижасида содир бўлади.
Фон	Background	Фон	фон, замин, таг; (кўм-кўк осмон фонида, рангли мато фонида) сурагларда энг охириги орқа план рангини билдирувчи ибора.
Колористика	Colouristic	Колористика	Ранг ҳақидаги фан бўлиб, ранглартабиати, асосий, таркибий (ташкил этувчи) ва кўшимчаранглар, рангларнингасосий характеристикалари, рангконтрастлари, ранглараралашуви, колорит, ранглар уйғунлиги, ранглартиливаранглармаданиятиҳа қидагибилимларни ўз ичига олади. Ранглар дунёси қонунлари ранглар билан дўстлашиш ёки дўстлашмасликни аниқлаб беради.
Чуқурлик	Depth	Глубина	ранглар тоналлигининг ёрқин ёки хиралик даражаси.
Ёрқинлик	Light Coloured	Светлый	буярқираётган (ёки нур сочаётган) жисмининг характеристикаси бўлиб, қандайдирйўналишдаги ёруғлик кучининг ярқираётган сиртнинг шу йўналишга перпендикуляр бўлган текисликка тушаётган проексиясининг (тасвирининг ёки аксининг) майдони нисбатига тенг.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари**

I.1. Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 13-сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги № 3271- Қарори.

I.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг № 736 –Қарори.

### **II. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари**

II.1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.

II.2. Каримов И.А. “ Юксак маънавият – енгилмас куч “– Т.: “Ma’naviyat” 2009.Б.78.

II.3.И.А.Каримов. Тарихий хотира ва инсон омили - буюк келажакимизнинг гаровидир. - Т. „Ўзбекистон“, 2012 й.

II.4. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент, 1992 й.

II.5. Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 03-августдаги “Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашув”даги маърузаси.

### **III. Асосий адабиётлар**

III.1. Аникет А.Шекспир. Ремесло драматурга. Москва, Советский писатель,1974 й. 132-134 бб.

III.2. Алимов Х.М. Бадиий таржима психологияси. Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 1987 й. 76 б.

III.3. Уильям Шекспир. Сайланма. Уч жилдлик. Иккинчи жилд., Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти, 2008 й.,155-334бб.

III.4. Гёте И.В. Об искусстве и литературе. Москва, “Художественная литература”, 1980 й. С. 36-42.

III.4. Таржима санъати. Мақолалар тўплами. Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1973 й. 146-152 бб.

III.6. Сидоренко Т.К. Префиксальный элемент SUPER – в произведениях Шекспира //Вопросы английской лексикологии и лексикографии. – Пятигорск, 1990. – С. 87-91.

III.7. Сулаймонова Ф. Шекспир Ўзбекистонда. Т., “Фан” нашриёти, 1978 й. 36-92 бб.

#### **IV. Қўшимча адабиётлар**

IV. 1. Сидоров А.А., Книга и жизнь, М., 1972.

IV. 2. Рустамов М., Ўзбек китоби, Т., 1968.

IV. 3. Катспржак Е.И., История книги, М., 1964.

IV. 4. Абдуллаев Н.У. “Санъат тарихи” Тошкент, Ўқитувчи, 1986.

IV.5. Каримов Х. “Қутлуғ Башаров” Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти Тошкент-1975.

IV. 6. М.Ҳамраев “Адабиёт” Тошкент. “ Шарқ” 2012.

#### **V. Журнал мақолалари**

V.1. А.Намозов. Жаҳон адабиёти ва маданияти.”Серқирра ижод ва машаққатли ҳаёт” мақоласи.

V.2. “Шарқ юлдузи”, 1976 йил, 10-сон, 238-240-бетлар.

V.3. “Санъат” Ўзбекистон бадиий Академияси журнали. – Тошкент: 4/2014 № 65

#### **VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар**

VI .1. М.Холбеков “Ўзбекистонадабиёти васанъати” газетаси. 2009 й.№ 9.

#### **VII. Интернет сайтлар**

VII.1. [www.e.tarix.uz](http://www.e.tarix.uz).

VII. 2. [www.ziyoNET.Arboblar](http://www.ziyoNET.Arboblar).

VII. 3. [www.San'at-Vikipediya](http://www.San'at-Vikipediya).

VII.4. [www.Kitob.uz](http://www.Kitob.uz).

VII.5. [www.Kh-davron.uz.kutubxonasi](http://www.Kh-davron.uz.kutubxonasi).

VII.6. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) кутубхонаси. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”  
“Б” ҳарфи. Давлат илмий нашриёти. Тошкент.

## ИЛОВАЛАР





























